O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 12 APREL ◆ PAYSHANBA ◆ № 45 (26.747)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Ланьцин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

— Сиз Ўзбекистон учун тарихий шахс эканлигингизни мамлакатимиз аҳли яхши билади, — деди Ислом Каримов меҳмонга. — 1992 йили Тошкентга келиб, икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чеккансиз. Шундан кейин ўтган даврда жуда кўп ишлар қилинди. Шу кунгача ўзаро муносабатларимизга қонуний асос сифатида хизмат қилиб келаётган элликдан ортиқ ҳужжат қабул қилинган. Ўзбекистон бундан буён ҳам ўзаро алоқаларни ривожлантириш йўлида изчил саъй-ҳаракат қилишга тайёр.

Хитой делегацияси раҳбари самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонга ташрифидан кўзланган мақсадлари ҳақида сўзлар экан, икки томонлама алоқалар асосида мустаҳкам ва ўзаро ишончга таянувчи сиёсий муносабатлар ётишини, айни вақтда шерикликда савдо-сотиқ, фан-техника каби соҳаларда сезиларли ютуқлар қўлга киритилаётган бўлса-да, эришилган даражада тўхтаб қолмай, ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида турли тоифадаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазам амалга оширилиб турилганидан мамнуният билдирилди. Томонлар икки томонлама ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан батафсил фикр алмашди.

■ (ЎзА)

***

Суратларда: қабул пайти.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

ЧОРВАНИ КОМПЬЮТЕР БОШҚАРАДИ

Чорвачиликда етти ўлчаб иш юритмасликнинг салбий оқибатларини ўтган давр кўрсатди. Эндиликда камчиликлар такрорланмаслиги учун жойларда барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Муҳими, ота-бобоси чорвадор ўтган, унинг тилини тушунадиган кишилар соҳани ўз қўлига олмоқда.

— Қорамолчиликка ихтисослашган ферма хўжалик таркибидадир, — дейди Зангиота тумани «Эркин» ширкат хўжалиги фермаси мудири Рихсивой Омонов. —Унда 700 бошдан ошиқ мол боқилмоқда. Хуллас, қорамолчилик ривожи учун барча ҳаракатларни қилаяпмиз. Мавжуд 222 бош соғин сигир маҳсулдорлигини ошириш чоралари кўрилаяпти.

Ишнинг бориши компьютерлаштирилди. Унда ҳар бир сигир ҳақидаги маълумотлар батафсил қайд этилган. Парвариш шу маълумотлар асосида амалга оширилмоқда. Қисқаси, чорвадор компьютерни, компьютер эса чорвани бошқараяпти.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2001 йилнинг май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2001 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш ҳамда сайловни ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги намунавий низом тасдиқлансин.

3. Шу муносабат билан:

туман ва шаҳарлар ҳокимларига — фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кадрлар танлашда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига — ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарликнинг боришини ва сайловларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

5. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

6. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ва жорий йилнинг 15 июлига қадар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови якунлари тўғрисида Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 9 апрель

ХДП ХАБАРИ

ФОЙДАЛИ СУҲБАТ

2001 йил 11 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Нгуен Куок Бао, унинг илтимосига биноан қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, меҳмонга мустақил юртимизда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, амалга оширилаётган ислоҳотлар, ХДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Элчи ўз мамлакати сиёсий ҳаётида юз бераётган жараёнлар хусусида ахборот берди, у, шунингдек, Вьетнам ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳақида гапириб, уни янада ривожлантиришнинг янги уфқлари борлигини таъкидлади.

Суҳбатда расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

«ҚЫЗ МИНАЙЫМ» ҲИНДИСТОНДА

Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши (ICCR) ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг Деҳлидаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган Қорақалпоғистоннинг «Қыз Минайым» фольклор дастаси концертлари бу давлатда катта муваффақият билан ўтди.

«Қыз Минайым»нинг биринчи концерти Ҳиндистон пойтахтининг энг катта залларидан бири — «Камани аудиториум»да бўлиб ўтди. Концертнинг фахрли меҳмонлари орасида Ҳиндистоннинг собиқ президенти Н. Венкатараман ҳам бор эди.

Қорақалпоғистонлик санъаткорларнинг чиқишлари Ҳиндистоннинг икки — Панжоб ва Харьяна штатларининг пойтахти — Чандигарх шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Чандигархнинг жами етакчи даврий матбуот нашрларининг биринчи саҳифаларида концертлар ҳақида репортажлар бериб борилди. Хусусан, Ҳиндистоннинг энг йирик рўзномаларидан бири — «Индиан экспресс» шу куни «Чандигарх бундай концертни кўрмаган» сарлавҳаси остида мақола чоп этди. Бу, албатта, санъаткорларимизнинг юксак маҳорати ва ҳинд жамоатчилигининг Ўзбекистон санъатига бўлган катта қизиқишидан далолат беради.

Қорақалпоғистонлик ансамблнинг чиқишлари Ҳиндистоннинг марказий «Конаут Плейс» майдонида ҳамда Деҳлидаги Санскрит мактабининг саҳнасида ҳам бўлиб ўтди. Ҳиндистоннинг энг нуфузли мактабларидан бири бўлган бу масканда концерт билан бир қаторда Қорақалпоғистон мактаблари ўқувчилари чизган расмлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Ҳиндистон маданий алоқалар кенгашининг бош директори Х. Сом санъаткорларимизнинг ижрочилик маҳоратлари, репертуар ва миллий либосларини юқори баҳолади.

Ҳинд томошабинлари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқ артисти Мирзагул Сапаева, халқ бахшилари Омирбой Қосимбетов ва Гулнора Алламбергановаларнинг чиқишларини илиқ кутиб олдилар.

■ **«Жаҳон» АА**

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГИ ОШДИ

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк» акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилишида 2000 йилга мўлжалланган стратегик ривожланиш дастурлари ва банк бюджети режалари асосан бажарилганлиги қайд этилди ҳамда банкни 2001 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. «Пахта банк» кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

Ўтган йил давомида тадбиркорларга банкнинг ўз маблағлари, шу жумладан, банк фойдасининг 25 фоизи ҳисобидан шакллантирилган имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 7,5 млрд.сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Бунинг натижасида жойларда 10 мингдан ортиқ янги иш жойлари барпо этилиб, бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи кескин ортганлиги қайд этилди.

Ҳисобот даврида банк томонидан Германиянинг КфВ, ДГ, Хиповерейнос банклари, Европа тараққиёт ва тикланиш банки билан тузилган шартномалар асосида 30 млн. АҚШ доллари ҳамда 34 млн. евро миқдорида чет эл сармоялари жалб этилди.

Банк ўз тарихида илк маротаба нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — «Томсон Файненшэл Бэнк-Вотч» компанияси томонидан халқаро рейтинг билан тақдирланиб, муносиб равишда IC-C/D ҳамда LC-2 рейтинг кўрсаткичлари билан баҳоланди. Бу иккала кўрсаткич (IC-C/D) банкнинг асосий маблағлари ва фоизларини ўз вақтида қайтариш қобилияти ҳамда (LC-2) банк активларининг сифати юқори, барқарор балансга эга бўлганини тасдиқловчи баҳодир.

Шунингдек, йиғилишда илк бор ўтган йилнинг 3-4 ноябрь кунлари «Пахта банк» ташаббуси билан пойтахтимиз Тошкентда КИКА Бош Ассамблеясининг XXX юбилей йиғилиши банк тарихидаги олқишга сазовор улкан воқеалардан бири бўлгани таъкидланди.

■ **Ўз мухбиримиз**

АМЕРИКАГА – ҚОВУН УРУҒИ

Уруғчилик даромадли соҳа эканини Сирдарё туманининг «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида жойлашган «Дони» ишлаб чиқариш фирмаси мана бир неча йилдирки, амалда исботлаб келмоқда. Фирманинг ташкил этилганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай тадбиркорлар нафақат вилоят, балки республикада донг тарата бошлади. Сўнгги йилларда эса сирдарёлик уруғчилар Ҳамдўстлик ва ҳатто чет мамлакатлардан ҳам ўзларига ишончли ҳамкорлар топаётирлар.

Фирма жамоаси асосан сабзавот, полиз, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ва деҳқончилик экинлари уруғини етиштиришга ихтисослашган. Жамоа ўзининг 60 гектарлик экин майдонига эга ва унда асосан қанд лавлаги уруғи етиштирилади. Фирма ижрочи директори Рифат Мейирбековнинг айтишича, сирдарёлик уруғчилар ўз ҳамкорларига етарли миқдорда пиёз, қанд лавлаги, помидор, бодринг, беда ва бошқа экинлар уруғи етказиб бермоқда. Тошкент, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё вилоятининг қатор туманларида фирманинг ишончли ҳамкорлари бор. Улар ҳам асосан уруғчиликка ихтисослашаётган деҳқон-фермер хўжаликларидир.

«Дони» фирмаси шартномалар асосида шерикларига тегишли буюртмалар етказиб беради ҳамда уларни 15 фоизлик маблағ билан кафолатлайди. Улардан олинган маҳсулотлар билан эса биринчи галда вилоятнинг ички эҳтиёжлари қондирилади, ортиқчаси четга сотилади. Уч-тўрт йилдирки, Россия, Украина, Озарбойжон, Қозоғистон сингари мамлакатлардан мунтазам буюртмалар тушаяпти.

Яқинда эса яна бир хушхабар тарқалди: «Дони» фирмасига Америка Қўшма Штатлари фермерларидан юқори навли қовун уруғига буюртма келди. Энди чўл қовунини америкаликлар ҳам татийдиган бўлишди. Шундай қилиб чет элдаги ишончли ҳамкорлар яна биттага кўпайди.

«Дони» ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси ўтган йили ўзининг ички ва ташқи фаолияти туфайли 20 миллион сўмликдан ортиқ даромад кўрди. Буни атиги 30 нафар киши меҳнат қилаётган жамоа учун яхши натижа дейиш мумкин. Шу йилнинг бошида эса вилоятнинг кўрик-танловида улар фахрли биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

«Дони»чилар шу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Улар вилоят, республика ҳамда чет элдаги шериклар билан ҳамкорликда янада катта имкониятларни ишга солиш йўлида астойдил иш олиб бормоқдалар.

■ **Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Газетанинг шу йил 18 январь сонида чоп этилган «Энди навбат дарахтгами?» мақоласида баён этилган масалалар юзасидан Жиззах вилоятида муайян ишлар олиб борилмоқда. Табиатни, ўрмон, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузган бир қанча юридик ва жисмоний шахслар аниқланиб, маъмурий жавобгарликка тортилган.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат назоратчилари ва тегишли мутахассислар томонидан текшириш ўтказилиб, 2001 йилнинг январь ойида аниқланган 28 та қонун бузиш ҳолатларига 69825 сўм миқдорида жарима солиниб ундирилди ва 180810 сўм миқдорда келтирилган зарарни ундириш учун тегишли чоралар кўрилди. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун талабларини бузган 85 та жисмоний шахслар огоҳлантирилди, 42 нафар шахсдан дарахт кесувчи асбоб-ускуналари олиб қўйилиб мусодара қилинди.

Мақола вилоят табиатни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, унинг тасарруфидаги ўрмон хўжалиги ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари иштирокида вилоят ҳокимлигида муҳокама қилиниб, юқорида келтирилган ҳолатларни такрорламаслик мақсадида табиатни, дарахтларни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш мавзуси асосида жойларда давра суҳбатлари ўтказиш, вилоят телевидениеси ва радиоси орқали кўрсатув ва эшиттиришлар ташкиллаштириш тадбирлари белгилаб олинди.

■ **Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари У. ЯМАНҚУЛОВ**

«ТУЯ ГЎШТИ ЕГАНМИ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 22 февраль сонида чоп этилган «Туя гўшти еганми?» мақоласида Олтинкўл туманининг Сувюлдуз қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-мактаб биноси эски, авария ҳолатида эканлиги, қурилиш ишлари тўхтаб қолганлиги баён этилган.

Мазкур мақола туман ҳокимлиги, «Туркистон» ширкат хўжалиги бошқаруви ва тегишли ташкилот раҳбарлари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Туркистон» ширкат хўжалиги балансидаги 11 та хонадан иборат бино 1 февралдан 22 февралга қадар таъмирланиб, тўла жиҳозланди. Мактаб 105 та янги парта, 9 та доска, 10 та стуллар билан таъминланди. Янги бинога мактабнинг 16 та бошланғич синфлари 26 февралдан кўчирилиб, у ерда ҳозирда таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, мактабнинг эски биносини бузиш, ўрнига эса янги бино қурилиши бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Туман ҳокимлиги мазкур мактаб бўйича амалга оширилиши режалаштирилган ишлар бажарилишини назоратга олди.

■ **Олтинкўл тумани ҳокимининг ўринбосари З. САТТОРОВ**

БУХОРОДА «ЛАРВИНА» ФИЛИАЛИ

Бухоро шаҳрида «Парвина» акциядорлик-тижорат банкининг филиали очилди. Банк мижозларга кредит ажратиш билан боғлиқ барча юмушларни тез бажариши ҳамда қарз фоиз ставкаси анча пастлиги билан бухороликларга маъқул бўлмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

«ДОРИ «ОПЕРАЦИЯСИ»

Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 18 январь сонида чоп этилган «Дори «операцияси» сарлавҳали мақола бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси тергов бўлими тарафидан Тойлоқ туман марказий шифохонасида молиявий тафтиш ўтказилган. Тафтиш натижалари бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда. Тергов ишлари ниҳоясига етгач, унинг натижалари бўйича иш фаолиятида камчиликка йўл қўйган мансабдор ходимларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

■ **Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари М. ХОЖИБЕКОВ**

ҲАМ САВДО, ҲАМ ХИЗМАТ

Юртимизда мустақилликнинг ўн йиллигини муносиб кутиб олиш учун саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Жумладан, Буюк ипак йўлининг «Самарқанд — Тошкент» йўналиши, Жомбой тумани ҳудудида «ЎзДЭУ» автомобиллари ва эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи автосалон фойдаланишга топширилди. Бу масканни бунёд этиш учун 15 миллион сўм сарфланди. «Шубаҳона янги иш жойлари вужудга келиб, йилига 450-500 тагача «ЎзДЭУ» русумли автомобилларни аҳолига сотиш имконияти яратилди. Айни пайтда шахсий ва давлат автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳам бажарилади», — дейди Самарқанд «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик жамияти раиси А. Ахтамов.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ

Тошкент университети 1920 йилда Россиядан келган «большовой»лар вакиллари томонидан эмас, балки 1918 йилда фидойи маърифатпарвар Мунавваркори Абдурашидхонов ташаббуси билан Туркистон халқ миллий дорилфунуни сифатида фаолият бошлаган.

Бу ҳақиқатни бутун жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз билиши керак, деб ўйлайман. Бу тарихий воқеа университет пештоқига алоҳида лавҳа қилиб ёзиб қўйишга муносиб.

Ислом КАРИМОВ

I

Азалдан ҳар бир халқнинг куч-қудрати ва салоҳиятини зўравонлик, ўзгаларга таҳдид солиш эмас, балки жамият ҳаётида маърифий қарашлар, ақл-заковат ва тафаккурнинг нечоғлик устуворлиги белгилаб келган. Чунки бундай юксак тушунчалар ва эзгулик қарор топган муҳитгина одамнинг барча имкониятларини рўёбга чиқариб, унинг бахт-саодати, ёруғ келажагини ҳам таъминлайди. Одамзот ўзининг тараққиёт тарихида қандай улкан чўққиларни забт этган, оламшумул кашфиётларни яратган бўлса, барининг замирида, энг аввало, тафаккур қудрати, ақл-идрокка суяниб иш тутиш, бир сўз билан айтганда, маърифий салоҳият мужассам.

Халқимизнинг кўп асрлик ўтмишига назар ташласак, тарихнинг оғир ва мураккаб даврларида ҳам юртимиздан етишиб чиққан не-не комил зотлар дунё аҳлига маърифат улашиб, эзгуликка даъват этганини кўрамиз.

Дунё цивилизациясида Маъмун номи билан шуҳрат қозонган илк академия ҳам бундан қарийб ўн аср муқаддам юртимизда ташкил топгани маърифатпарварлик, илм зиёсидан куч олиб, ўз тараққиётига йўл очиш халқимизга хос ноёб фазилатлардан бири эканлигини англатади.

Ўрта асрларда, ҳали одамзот ибтидоий тасаввур ва тушунчалардан тўла халос бўлмаган бир даврда Самарқандда Мирзо Улуғбек расадхона барпо этиб, юлдузлар илмини ўрганишга киришгани ҳали-ҳануз инсониятни ҳайратга солиб келади.

Қадим тарихимизда бундай ёрқин саҳифалар беҳисоб. Бу ҳақда ўйлаганда, яна бир ҳақиқат хаёлдан ўтади: халқимиз табиатидаги мана шу маърифатга интилиш туйғуси чор истилоси ва шўро тузуми даврида бўғиб ташланди, миллий зиёлиларимиз чинакам фидойилик кўрсатиб, бу борада амалга оширган эзгу ишлар ҳам очиқ-ошкора рад этилди.

Буни биргина Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Миллий университет мақоми берилган Тошкент давлат университети тарихи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳаммамиз яхши биламиз, етмиш йилдан зиёд давр мобайнида жамият онгига бу ўқув даргоҳи «пролетариат доҳийси» Ленининг декретига асосан ташкил этилган, деган тушунча мажбуран сингдириб келинди.

Шўро замонида ҳақиқатга мутлақо зид бўлган бундай фикр бежиз илгари сурилмаган, албатта. Унинг замирида мустабид сиёсатга хос кўплаб ғаразли ниятлар ётган. Хусусан, мақсад «қарийб 99 фоизи саводсиз бўлган ерли халқни биз саводли қилдик», деган сохта тушунчани байроқ қилиб, собиқ тузум ўзининг ёвуз сиёсатини ниқоблашдан иборат бўлган.

Ҳолбуки, мазкур университет ўз даврида «большовойлар доҳийсининг ҳиммати билан» эмас, балки юртимизнинг асл фарзандлари — маърифатпарварларнинг фидойилиги, чеккан заҳмату машаққатлари эвазига ташкил этилгани тарихий ҳужжатларда ўзининг аниқ ифодасини топган.

II

Аввало, мазкур университетнинг ташкил топиш тарихи, унда миллий зиёлилар кўрсатган ибрат ва фидойилик ҳақида фикр юритишдан олдин ўтган асрнинг бошида юртимиздаги тарихий вазият, курашлар жараёнига бир назар ташлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўша даврда юртимиздаги миллий озодлик ҳаракатининг ўзаги бўлган маърифатпарварлик ҳаракати бевосита шундай олий даргоҳнинг вужудга келишига замин яратган. Бошқача айтганда, маърифатпарварларнинг барча интилиш ва илғор ғоялари моҳият эътибори билан халқни уйғотиш, тараққиётга даъват этишдек эзгу мақсадга қаратилган эди.

Чунончи, Маҳмудхўжа Беҳбудий: **«Оҳ, на ёмон ҳолат! Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур,»** — дея бежиз ўкинмаган.

Ҳожи Муъин эса ўша даврда халқ ҳаётида юзага келган бу ҳолни шундай изоҳлайди: **«Замон илм ва ҳунар замонасидур. Ушбу замонда ўзга миллатларга асир бўлмай, роҳат билан яшамоқ учун замонавий илм ва ҳунарларни билмоқ лозимдур. Ҳушёр ва мутамаддун (маданиятли) миллат ҳар вақт ўзининг ҳуқуқини сақламоқ тариқасини билиб, замони келганда ушбу йўлда ўз жонини фидо қилмоққа ҳозир бўлуб турар»** .

Ўша даврда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавваркори Абдурашидхон ўғли, Ҳожи Муъин сингари ўнлаб маърифатпарвар зиёлилар халқнинг аҳволига куюниш билан бирга уни ёруғликка чиқариш йўлларини излаганлар.

Ана шу қутлуғ мақсад туфайли юртимизда илк янги усул мактаблари пайдо бўлган.

Биринчи шундай мактаб 1893 йил Самарқанд шаҳрида очилади. Кейинчалик бу борадаги ишлар анча кенг тус олади. Агар тарихий маълумотларга эътибор қаратсак, 1895 - 1901 йиллар ичида Андижон ва Тошкент шаҳрида яна 5 та янги усул мактаби фаолият кўрсата бошлаганига гувоҳ бўламиз.

Ўтган асрнинг ўнинчи йилларига келиб, янги усул мактабларининг ҳаётга таъсири сезилган, илк қалдирғочлари учирма бўлган.

Янги усул мактаблари ўша давр нуқтаи назаридан қараганда кўпгина афзалликларга эга бўлса-да, барибир, имкониятлари чекланган, яъни кенг тараққиётга йўл очиб бера олмасди. Жамият оёққа туриб олиши учун Маҳмудхўжа Беҳбудий фикрича, **«мувофиқ замона одамлари»,** яъни миллатимиздан чиққан дўхтир, муҳандис, қонуншунос, тижоратхоналарга агент ишбилармонлар, нотариус, банкларда ҳам маҳаллий саркорлар бўлиши керак эди.

Дорилфунун ташкил этиш эҳтиёжи шу тариқа юзага келган.

Замоннинг бу талабини зийраклик билан англаб етган маърифатпарварлар бутун билим ва ғайрат-шижоатини ана шу мақсад сари йўналтиришган.

III

Миллий университетнинг ташкил топиш тарихи ҳақида гап кетганда, шуни ҳам айтиш керакки, ўша даврда чор Россияси ҳам юртимизда олий ўқув юрти очиш ҳаракатида бўлган. Лекин у мутлақо бошқа, фақат руслар учун мўлжалланган университет бўлиши керак эди.

Гап шундаки, 1898 йил Андижонда деҳқонлар чор Россияси истибдодига қарши бош кўтаради. Бу исён ўта шафқатсизлик билан бостирилади. Кейинчалик эса мустамлакачилар томонидан бу қўзғолоннинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилади ва асосий масала эътибордан четда қолиб, бунга маъмурларнинг маҳаллий аҳоли тилини, урф-одатларини яхши билмаслиги рўкач қилиб кўрсатилади. Шундан сўнг маҳаллий аҳолининг тили ва урф-одатларини ўрганиш учун Тошкентда махсус институт ташкил этиш керак, деган хулосага келинади. Шундай таклиф билан Оқ пошшога мурожаат ҳам қилинади. Лекин бу таклиф номаълум сабабларга кўра эътиборсиз қолиб кетади.

Шундан сўнг Туркистонда дорилфунун ташкил этиш масаласи аста-секин баҳс-мунозарага айланиб боради. Агар бу баҳс-мунозаралар жараёнини кузатадиган бўлсак, уларда чор Россиясининг ғаразли мақсадлари янада очиқ-ойдин кўзга ташланади. Масалан, ўша пайтда фаолият кўрсатган Пушкин жамияти аъзоларининг Думага йўллаган хатида шундай фикр баён этилади: «Бепоён мусулмон олами биз учун бундан эллик йил аввал қандай сирли ва жумбоқли туюлган бўлса, ҳозир ҳам шундай ҳолатда қолиб келмоқда. Биз бу ўлкани ўзимизга тобе қилган эканмиз, энди уни маънавий жиҳатдан ҳам бўйсундиришни истасак, халқнинг табиатини, жонли тарихини яхши билишимиз зарур. Бу талабни янги ташкил этиладиган дорилфунун қошида Шарқ бўлими очиш билан қондириш мумкин» .

Рус муҳандиси Г. Давидов эса 1916 йил 27 сентябрда Россия императори ҳузуридаги география жамиятининг Туркистон бўлими мажлисидаги маърузасида шундай фикрни илгари суради: «Туркистон қанча мукаммал ўрганилса, шунча кўп туҳфа бераверади» .

Хуллас, ўша даврда аксарият рус зиёлилари Туркистонда университет ташкил этиш масаласига асосан чор Россиясининг манфаатларидан келиб чиқиб ёндашган.

Шу билан бирга, айрим зиёлилар бундай ғайриинсоний сиёсатга қарши чиққан. Масалан, Г. Андреев «Туркестанские ведомости» газетасида чоп этилган (1917 йил 10 ноябрь) «Туркистонда университет очилишига доир айрим мулоҳазалар» номли мақоласида шундай ёзади: « Ўлкада (Туркистонда) университет очилиши ҳақидаги баҳслардан беихтиёр шундай фикр туғилади: университет фақат руслар манфаатига хизмат қилса, унда маҳаллий халқ нима қилади?! Англия юксак маданиятга эга давлат эканлиги шунда ҳам кўринадики, у Ҳиндистонда ҳеч қачон инглизлар учун университет очишни хаёлига келтирган эмас. Аксинча, фақат ҳиндистонликлар учун қулай бўлган қуйи ва олий мактаблар ташкил этади».



IV

Албатта, ўша даврдаги истилочилик сиёсати, унинг тазйиқ ва таҳдидлари маърифатпарварларнинг эзгу мақсад йўлидаги интилишларига имкон бермаган. Шунинг учун уларнинг миллий университет ташкил этиш борасидаги ҳаракатлари анча узоққа чўзилган.

Фақат ўн еттинчи йилга келиб бу борадаги ҳаракатларда силжиш рўй берди. Ўша йил август ойида Тошкент шаҳар думасига бўлиб ўтган сайловларда Мунавваркори Абдурашидхон ўғли раҳбарлигидаги маърифатпарварлар кўпчилик овоз олиб, жами 112 ўриннинг 76 тасини қўлга киритади.

Миллий зиёлиларнинг думада кўпчилик овозни ташкил этиши ўзлари илгари сурган ғояларнинг амалий ижроси учун янада дадилроқ курашишга ундаган. Шундан фойдаланган маърифатпарварлар думанинг биринчи мажлисида юртимизда миллий университет ташкил этиш масаласини кун тартибига қатъий қўйишади. Бу таклиф кўпчилик овоз билан маъқулланади. Думанинг ўша пайтдаги раиси М. Сосновский ҳам маҳаллий зиёлиларга ён беришга мажбур бўлади. У тўрт кишидан иборат махсус гуруҳни Санкт-Петербургга юборади. Туркистонда университет ташкил этиш тўғрисидаги таклиф Керенскийнинг Муваққат ҳукумати томонидан ҳам рад этилмайди. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Шулардан бири ўша алғов-далғов йилларда ҳокимият тепасида омонат турган Муваққат ҳукумат азбаройи ўз таъсир кучини ошириш учун бундай таклиф билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

Ҳатто 1917 йил 4 октябрда Керенский Тошкентга телеграмма юбориб, тез орада университет очилишини маълум қилади.

Тошкент думасининг 21 октябрдаги мажлисида эса университет ташкил этиш бўйича комиссия тузилади. Бу комиссия таркибига Мунавваркори Абдурашидхон ўғлининг қатъий талаби билан олий маълумотли адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Содиқ Абдусатторов киритилади.

Шуни айтиш керакки, Мунавваркори Абдурашидхон ўғли халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган бу жараёнга алоҳида эътибор билан қарайди. Жумладан, у «Туркестанский курьер»да (1917 йил, 232-сонига илова) янги ташкил этилажак университет ўқув режаси ишлаб чиқилаётганда, маҳаллий халқнинг манфаатлари эътиборга олиниши, хусусан, тарих ва шарқшунослик йўналишларини бевосита миллатнинг табиатидан келиб чиқиб белгилашни алоҳида таъкидлайди.

Ниҳоят, 1918 йил 21 апрель кундуз соат 3 да Тошкентнинг янги шаҳар ҳудудида (ҳозирги Республика болалар кутубхонаси биносида) Туркистон Халқ университетининг очилиши маросими бўлади.

Бу — гарчи, Туркистон халқ университети деб ном олган бўлсада, маърифатпарварлар орзу қилган ўқув даргоҳи эмас эди. Чунки унинг ўқув режасида маҳаллий халқ манфаатлари эътиборга олинмаган, у асосан русийзабон талабалар учун мўлжаллаб тузилган эди. Ҳатто университетнинг очилиш маросимида ҳам биронта маҳаллий халқ вакилига сўз берилмайди.

Маърифатпарварлар мустабид тузумнинг очиқ-ошкор риёкорона йўл тутишидан анча илгари хабар топишади ва бундан буён ҳукуматдан ёрдам кутиш бефойда эканини англаб етиб, ўз куч ва ташаббусларига таяниб, чинакам миллий университет ташкил этишга азму қарор қилишади.

Бу ҳақда ўша пайтда «Халқ дорилфунуни» номи билан нашр этилган газета шундай ёзади: **«... Шул вақтда бу тарафда мусулмон зиёлиларидан бир неча зотлар ҳақиқатда вақтнинг муҳимлиги, фурсатнинг ғаниматлигини эътиборга олиб, мусулмон халқи учун ўқув юрти очарға мушовара (маслаҳат) қилдилар. Ҳам худога шукр қилиб, ишга киришга қарор бердилар. Ва биринчи ўлароқ 9 апрелда Мунаввар қори Абдурашидхон халифа афандининг ҳовлисида йиғилиб, Мусулмон халқ дорилфунуни очмоққа саъй этар учун бир ташкилот ҳайъати таъсис этадилар»** .

Шундан кейин маърифатпарварлар Мунавваркорининг ҳовлисида яна тўққиз марта йиғилиш ўтказишади. Миллий дорилфунуннинг дастури, унинг олдига қўйилган мақсадларини батафсил ишлаб чиқадилар. Маърифатпарварлар тузган дастурга кўра, миллий дорилфунун уч йўналишда, яъни қуйи, ўрта ва олий босқичда ўқув ишларини олиб бориши кўзда тутилади.

Шу билан бирга, улар халқ орасида юриб, янги ташкил этилажак миллий дорилфунуннинг халқ ҳаёти, жамият тараққиётида беқиёс аҳамият касб этишини тарғиб қиладилар. Юртимиздаги барча зиёли кучларни шу эзгу мақсад йўлида бирлашишга даъват этадилар.

Ташкилий комиссиянинг 3 май куни бўлиб ўтган якуний йиғилиши бўлажак миллий дорилфунун раҳбариятини сайлашга бағишланади. Маърифатпарварлар Мунавваркори Абдурашидхон ўғлини дорилфунун ректори, Исо Тўхтабоевни биринчи ўринбосар, Бурҳон Ҳабибни иккинчи ўринбосар этиб сайлашади.

Ниҳоят, миллий зиёлилар орзиқиб кутган қутлуғ кун келади: 1918 йил 13 май куни эски шаҳардаги илгари Вакула Морозов деган савдогарнинг дўкони бўлган бинода (ҳозирги ёш томошабинлар театри биноси) Халқ Миллий университети тантанали равишда очилади.

Халқимиз тарихида илк миллий дорилфунуннинг очилиши миллатимиз маънавий ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, улкан воқеа эди. Шунинг учун ўша куни минглаб зиёлилар, оддий меҳнаткашлар дорилфунун биноси ҳовлисида йиғилишади. Бу тантанада биринчи бўлиб Мунавваркори Абурашидхон ўғли сўзга чиқади.

Шундан сўнг ўнлаб маърифатпарварлар янги ташкил этилаётган миллий дорилфунун халқнинг маърифий тараққиёти, жамият истиқболига хизмат қилишини алоҳида таъкидлайдилар.

Халқ Миллий университети илк қадамларини дадил ташлайди. Қисқа вақт ичида талабаларга сабоқ берадиган ўқитувчилар сони 130 нафарга етади. Халқимизнинг кўзга кўринган зиёлилари дорилфунунда фаолият олиб боради. Масалан, Абдурауф Фитрат талабаларга она тили, Камол Шамс арифметика ва геометрия, Ҳайдар Шавқий олмон тили, А. Исмоилов санъат, Т. Ризаев маданият ва сиёсий иқтисоддан сабоқ беради.

1918 йил 31 майда Халқ Миллий дорилфунунининг нашри «Халқ дорилфунуни» газетаси мунтазам чиқа бошлайди.

Юртимизда илк миллий дорилфунуннинг ташкил топиш тарихи мана шундан иборат.

V

Афсуски, тарихнинг оғир ва зиддиятли бир палласида ўз умри, билим ва ғайрат-шижоатини энг олий мақсад — халқнинг бахт-саодати, маърифат йўлида сарф этган, бу борада чинакам жасорат намуналарини кўрсатиб, илк миллий дорилфунун пойдеворига ғишт қўйган маърифатпарварларнинг кейинги қисмати ғоят фожиали кечган. Уларнинг адашиши шунда кўринадики, «чор истибдодидан қутулдик, халқимиз ҳурриятга чикди», дея шўро тузумининг ёвуз моҳиятини англамай туриб, унга хайрихоҳлик назари билан қарашган. Аммо мустабид тузум уларнинг халқ озодлиги, маърифатпарварлик йўлида кўрсатган ҳар бир саъй-ҳаракати учун дахшатли азобларга мустаҳиқ этган.

Буни кейинчалик Абдурауф Фитрат шундай эътироф этган: ***«Биз бундай инқилобни хоҳламаган эдик. Фақат амирни ағдариб, адолатли жамият барпо этмоқчи эдик...»***

Мунавваркори Абдурашидхон ўғли йигирманчи йиллардаёқ маориф соҳасидан бутунлай четга суриб ташланади. Унинг кейинги ўн йиллик ҳаёти узлуксиз тазйиқ, таҳдид ва ҳисбга олишлар остида кечади.

1929 йил 16 ноябрь куни уни сўнгги марта ҳибсга олишади. У икки йил қамоқхонада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийноқларни бошидан кечиради. 1931 йил 23 май куни эса Москвада «халқ душмани» деган сохта айблов билан отиб ташланади.

Халққа маърифат улашиш каби эзгу ишга бош қўшган Абдурауф Фитраф, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Ҳабиб Бурҳон, Камол Шамс, Ҳожи Муъин, Саидаҳмад Сиддиқий сингари юзлаб маърифатпарварларни ҳам мустабид тузум бирин-кетин қатағон этади.

Бугун халқнинг эртанги кунини ўйлаб қилинган ҳар бир иш, бу борадаги ҳиммат ва фидойилик ҳеч қачон изсиз кетмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

ХХ асрнинг бошларида маърифатпарвар боболаримиз ибрат ва жонбозлик кўрсатиб, пойдеворига биринчи ғиштни қўйган миллий дорилфунун йиллар ўтиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, Туркистон заминида ўнлаб илмий мактабларнинг вужудга келишида ҳақиқий бешик вазифасини бажарди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда дастлабки университетлар ҳам улуғ боболаримиз эккан маърифат дарахти илдизидан ўсиб чикди.

Истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли жамиятимизда қарор топган тарихий адолатлардан бири мустабид тузум даврида шаҳид кетган маърифатпарварлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилгани бўлди. Президентимиз ташаббуси билан уларга чексиз халқ эҳтироми рамзи сифатида пойтахтимизда **«Шаҳидлар хотираси»** ёдгорлик мажмуаси қад ростлади. Маърифатпарварлар қолдирган бебаҳо маънавий мерос бугун ёш авлод камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, аждодларимизнинг халқ бахт-саодати, маърифатпарварлик йўлидаги беқиёс хизматлари мустақиллик боис ўзининг муносиб баҳосини олди.

Президент Ислом Каримов 2000 йил 6 январь куни Тошкент шаҳар жамоатчилиги билан сайловолди учрашувида шундай фикрни ўртага ташлади:

— Бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз — азизлар ҳукмига бир таклифни ҳавола этмоқчиман. Яъни, Тошкент университетига Ўзбекистон Миллий университети номини беришни таклиф қиламан.

Тарихий адолатнинг тикланиши озодлик ва эркинлик сиёсати мўъжизавий қудратга эга эканлигини англатади.

VI

Энди Ленининг декрети ҳақида икки оғиз сўз.

— Ленин имзо чеккан декрет Миллий университетнинг ташкил топишига мутлақо дахли йўқлиги шунда ҳам кўринадики, у 1920 йил 7 сентябрда қабул қилинган, — дейди филология фанлари номзоди Бойбўта Дўстқораев. — Бунга қадар миллий дорилфунун икки йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган эди. Ўша пайтда Москвада шундай декрет қабул қилинаётганидан Миллий университет раҳбарлари бехабар бўлган. Улар бу декрет 11 сентябрь куни «Известия» газетасида эълон қилингач хабар топишган. Шундан келиб чиқиб, бу декретнинг Миллий университетнинг ташкил этилишига қанчалик алоқаси борлигини ўзингиз мулоҳаза қилиб кўраверинг.

Агар бу декретнинг бевосита ўзи тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, унда шўро тузумининг халқимизга нисбатан олиб борган ғайриинсоний сиёсати, ғаразли мақсади аниқ акс этган. Масалан, декретнинг биринчи бандида: «Туркистондаги эҳтиёжларни инобатга олиб, ўлканинг табиий бойликларини ўрганиш учун малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, Туркистонни моҳият эътибори билан ўрганиш учун қимматли манба саналиши ва маориф ҳамда маданиятни ривожлантиришга бўлган талабни назарда тутиб» деган фикрлар бўлган. Лекин бу фикрлар Ленин томонидан ўчириб ташланган.

Декретнинг учинчи бандида: «Туркистон Республикаси ҳукумати университетни ҳар жиҳатдан назорат қилиш ҳуқуқига эга», деган фикрлар устига ҳам қора чизиқ тортилган. Шундан сўнг декретда фақат иккита кўрсатма қолган. Биринчиси: «Тошкентда университет ташкил этилсин». Иккинчиси: «Университетни бевосита назорат қилиш РСФСР маориф халқ комиссариати ихтиёрига топширилсин» .

Шўро замонида бутун дунёга аюҳаннос солиб, «Ленин декретига асосан Тошкентда университет ташкил этилган» деган даъво ҳеч қандай асосга эга эмаслигини юқорида келтирилган далиллар тўла исботлайди.

Бу аччиқ ҳақиқатлар шуни кўрсатадики, ўз келажагини ўйлаган озод Ватангина халқнинг маърифий салоҳиятини ошириш, фарзандларининг камолоти ва бахт-саодати йўлида тўлақонли шароит яратиб беради.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари тарихий адолатни тиклаш билан бирга маърифатпарвар аждодларимизнинг асрий армонларини тўла рўёбга чиқариб қолмай, ўғил-қизларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши йўлида ҳавас қилса арзигулик замонавий шарт-шароит яратиб берганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Шунинг натижасида жамиятимизнинг маънавий-маърифий иқлими тамомила янги босқичга кўтарилди, ёш авлоднинг нурли келажакка интилиб яшаши янада кучайди, бу ўз навбатида, ҳеч шубҳасиз, она-Ватанимизнинг буюк истиқболига мустаҳкам замин бўлади.

■ **Қуддус АЪЗАМОВ,**
Шодиқул ҲАМРОЕВ

КЕЛАЖАК АВЛОД КАМОЛОТИНИ ЎЙЛАБ...

Истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳбарлигида баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш мақсадида:

— Мамлакатимиз пойтахтида Техника университети (1991 йил 13 май), Кимётехнология институти (1991 йил 13 май), Молия институти (1991 йил 3 июнь), Иқтисодиёт университети (1991 йил 19 июнь), Шарқшунослик институти (1991 йил 15 июль), Ҳуқуқшунослик институти (1991 йил 15 август), Жаҳон тиллари университети (1992 йил 15 июнь), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (1992 йил 24 сентябрь), Авиация институти (1995 йил 12 июль), Республика рақс ва хореография олий мактаби (1997 йил 8 январь), Миллий рассомчилик ва дизайн институти (1997 йил 11 март), Педагогика университети (1998 йил 2 февраль), Ислом университети (1999 йил 6 май) ташкил этилди.

— Қарши, Наманган ва Андижон шаҳарларида муҳандислик иқтисодиёт институтлари (1992 йил 28 февраль), Самарқанд шаҳрида чет тиллар институти (1994 йил 11 август), Навоий шаҳрида кончилик институти (1995 йил 26 июль) ташкил топди ва фаолияти тўла йўлга қўйилди.

— Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиялари, Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилди.

— 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Унинг грантини қўлга киритган юзлаб ёшларимиз дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар.

— Фарғона, Бухоро, Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидаги педагогика институтлари замонавий талаблар даражасида фаолият кўрсатадиган университетларга айлантирилди.

— Мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртлари қошида 5 та гимназия, 16 та лицей-интернат, 11 та лицей, 47 та академик лицей ёшларга таълим бермоқда.

— Юртимиздаги 259 та касб-ҳунар коллежларида ёш авлод замонавий касб-ҳунар сир-асрорларидан малакали сабоқ олмоқдалар.

1 2 3 4

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Янгиланиш йўлидан бораётган корхонанинг кадрлар бўлими эшиги пештоқидаги «Бизда ҳозирча бўш ишчи ўринлари йўқ, шу боис мурожаат қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ», деган ёзувни ўқиб ҳайрон бўлдик.

— Ажабланишнинг ҳожати йўқ, — деди «Янгийўл ёғмой» акциядорлик жамияти раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Муҳаммаджон Худоёров. — Чунки бизда кадрлар қўнимсизлигига аллақачон барҳам берилган. Жамоамизда сараланган, ўз касбининг устаси бўлмиш фидойи кишилар меҳнат қилади. Шундай бўлса-да, ўзгаришлар бўлиб туради. Чунончи ўтган 2000 йил давомида 58 киши ишга қабул қилинган бўлса, 38 киши нафақага чиқиши муносабати билан ёки ўз хоҳишига кўра ишдан озод этилди.

Умуман олганда ўтган йили корхонамиз бўйича турли вазифаларда 764 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилган бўлса, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 25 минг сўмни ташкил этди. Декабрь ойида эса ўртача маош 36 минг сўмдан ошди. Акциядорлик жамияти бўлганлиги боис дивидендлар ҳам ўз вақтида тўлаб бориляпти. Айни пайтда ўтган йил якунлари бўйича ҳисоб-китоб ишлари якунланиш арафасида. Бу гал даромадлар янада мўмай бўлиши кутилмоқда.

Корхона маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча бурчакларида, ҳатто яқин хориж давлатларида маълум. Янгийўлда ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи ёки Янгийўл тамғаси босилган хўжалик совунлари деганда шу корхона тушунилади. Маҳсулот эса сифатли.

Эндиликда жамият бўйича «боқимандалик» кайфияти тўлиқ кун тартибидан чиқарилди. Ваҳоланки, бундан бир неча йиллар аввал «Госплан», «Госснаб» деган ташкилотлар корхоналарга хомашё етказиб бериш билан шуғулланар эди. Ҳозирги кунга келиб, жамият ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, хомашё ва материалларнинг қарийб 99 фоизи бевосита тўғридан-тўғри тузилган шартномаларга биноан етказиб берилмоқда. Масалан, республикамиз ташқарисидан келтириладиган натрий ишқори, кальций содаси, полиэтилен капсулалари бевосита Россия Федерациясидаги ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномаларга мувофиқ келтирилаётир.

Бу ерда шартнома шартларини бажаришга ҳаётий муҳим масала деб қаралади. Шу боис, ким билан шартнома тузилгандан қатъи назар келтирилган хомашё учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинади. Айниқса, хўжаликлар, фермерлар, пахта заводлари билан ҳисоб-китоблар аниқ йўлга қўйилган.

Бундан бир неча йиллар аввал хомашё таъминотида бир мунча камчиликлар юз берди. Бунга сабаб шуки, кўпгина туманларда, қатор хўжаликларда ёмғирдан сўнг чиққан қўзиқориндек мойжувоз цехлари кўпайиб кетди. Заводга келиши зарур бўлган пахта чигити ана шу мойжувозларга кета бошлади. Бу цехларда маҳсулот фильтрацияси йўқлиги боис ёғ сифатига путур етди. Ахир катта корхонада маҳсулот тайёр ҳолга келгунча етти марта тозаланиб, дезодорация қилинадида. Аҳоли эҳтиёжи учун эса экологик жиҳатдан тоза маҳсулот зарур. Ўша кезларда савдо ташкилотлари ҳам маҳсулотни аҳолига вақтида етказиб бермай, сунъий тақчилликни вужудга келтиришди.

Мамлакатимиз Президенти, ҳукуматимиз бундай ўзибўларчилик ҳолларини бартараф этиш чора-тадбирларини ўз вақтида кўрди. Яъни, техник чигит йирик корхоналарга оқиб кела бошлади. Янгийўллик ёғчилар ҳам хўжаликлар, фермерлар билан шартномалар имзолашди. Икки томон учун ҳам қулай бўлган шартномалар ўз самарасини куттириб қўймади.

Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек акциядорлар ҳам ўз навбатида шартнома шартларини муваффақиятли бажаришаётир. Буни ўтган йил натижаларидан ҳам билса бўлади. Акциядорлар ўтган йили 115 минг тоннага яқин техник чигитни қайта ишлашди. Барча имкониятларни ишга солиб яхши натижага эришишди. Яъни халқ хўжалигига 16 минг 698 тонна оқланган пахта ёғи етказиб беришди. 12 минг 897 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилиб, савдо ташкилотларига, буюртмачиларга жўнатилди.



Корхона чорвадорларга ҳам 48 минг 193 тонна пахта шроти ҳамда 35 минг 159 тонна шелуха етказиб берди. Энг муҳими, хўжаликлару фермерлар шартнома шартларини вақтида бажариш ўзларига катта фойда келтириши мумкинлигини амалда ҳис қилишди.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан, технология ва асбоб-ускуналарни янгиламасдан туриб бирон-бир замонавий корхона рақобатга бардош беролмайди, ўз истиқболини кўра олмайди. Ҳамонки, сифатли, жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш замон талаби экан, корхонадагилар бу борада ҳам муайян ижобий ишларни амалга оширишди. Яъни, 1997 йил сентябрь ойида тозаланиб, дезодорация қилинган ёғни қадоқлаб чиқаришга мўлжалланган янги замонавий цех бунёд этишга киришилди. Ўша йили цех қурилишига 21 миллион сўм маблағ сарфланди. 1998 йилда эса бу ишга уч баравар кўпроқ маблағ ажратилди. 1999 йилиёқ янги цех бунёд этиб бўлинди. Корхона ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиши оқибатида ишлаб топилган валюта ҳисобидан қўшни мамлакатлардан дастгоҳлар, асбоб-ускуналар келтирилди. Янги цехда ўсимлик ёғини ҳидсизлантириш учун баъзи асбоб-ускуналар ўрнатилди. Қадоқлаш ускуналари бўйича Тошкентдаги конструкторлик бюроси билан ҳамкорлик қилинди. Шунингдек, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларидан пластмасса идишлари тайёрлаб чиқарадиган ярим автоматлар келтириб ўрнатилди. Бу ишларнинг самараси бундан икки йил аввалроқ сезилди. Чунки ўша йилнинг Наврўз байрами кунларида янги цех фойдаланишга топширилиб, сифатли қадоқланган маҳсулот бера бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, бундай катта иш учун давлатдан кредит олинмади.

Маълумки, кейинги йилларда Тошкент вилоятида ва қўшни вилоятларда пахта топшириш режаси сурункасига бажарилмаяпти. Ҳосилдорлик пасайиб кетганлиги ҳам сир эмас. Ўз-ўзидан маълумки, пахта чигити ҳам кам. Шу ўринда содир бўлаётган техник чигит танқислигини қисман қоплаш мақсадида корхонадагилар ўзига хос чоралар кўриш йўлидан бораётир, яъни ноанъанавий ёғли экинлар экиш йўлга қўйиляпти. Бу ишни ривожлантириш мақсадида Тошкент вилоятининг қатор хўжаликлари билан 1999 йилда фьючерс шартномалари имзоланди. Бунинг натижаси ёмон бўлгани йўқ. Хўжаликлардан 234 тонна маҳсар уруғи қабул қилиб олиниб, қайта ишланди. Натижада аҳолига 43 тонна сифатли, экологик жиҳатдан тоза маҳсулот етказиб берилди. 2000 йил давомида эса корхонада илк бор тажриба тариқасида 62 тонна кунгабоқар дони қайта ишланиб, эл дастурхонига 16 тонна оқланган кунгабоқар ёғи тортиқ этилди.

Одатда ёзда барча чигит қайта ишлаб бўлинади. Ана шундай кезларда аҳолини ёғ маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар бўлиб туради. Бунинг олдини олиш мақсадида жамият аъзолари соя ёғи билан бойитилган «Ўзбекистон ёғи» ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган. Ўтган йили ёз мавсумида аҳолига 381 тонна ана шундай ёғ етказиб берилганлиги фикримизнинг далилидир.

Дарвоқе, корхона цехларини модернизациялаш, замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, янги тизимларни ишга туширишда бораётган ишлар ўтган йили ҳам давом эттирилди. Эскирган дастгоҳлар ўрнига 40 миллион 66 минг сўмлик янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Дистиляция, тайёрлов бўлими ва ёғ оқлаш бўлимларида қатор таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бу борада катта тажриба тўпланган малакали ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Қатор рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилди. Ўтган йил давомида 14 та ихтирочилик таклифлари киритилган бўлиб, унинг самарадорлиги 101 миллион 261 минг 132 сўмни ташкил этди. Бундан ихтирочиларнинг ўзлари ҳам манфаатдор бўлишди. Уларга 813 минг 30 сўм мукофот тарзида берилди. Бундан ташқари, корхонада пахта шротини 40 килограммли қилиб қопларга қадоқлаш тизими ҳам ишга туширилди. 1281 тонна шрот шу усулда тайёрланиб, аҳолига етказиб берилди.

Тараққиётнинг олдинги сафларига чиқиб олган корхона жамоаси янги асрнинг биринчи йилини яхши бошлади. Уч ойлик режалари ортиғи билан уддаланди.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

ЎзХДП Янгиобод туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида Э. Анорбоев туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон ХДП МК масъул ходими С. Усмонов, Жиззах вилояти партия кенгаши иккинчи котиби А. Ўсканов, ва туман ҳокими О. Аширматовлар иштирок этдилар.

* * *

ХДП Қашқадарё вилоят партия кенгаши ва «Мубарак-нефтегаз» нефть ва газ конлари бошқармаси, биргаликда, Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг ҳаёти ва ижодий йўлига бағишланган, маданий-маърифий тадбирни уюштирдилар.

* * *

ХДП Марғилон шаҳар кенгаши 1-ўрта мактабда атоқли шоир Абдулла Орипов таваллуд топган куннинг 60 йиллиги муносабати билан, унинг ижодига бағишланган, тадбир ўтказди. Ушбу кечада шаҳар «Олтин мерос» жамғармаси раиси, ғазалхон шоир Исмоил Маҳмуднинг маърузаси тингланди. Ўқувчилар шоирнинг шеърларидан намуналар ўқидилар. Тадбир сўнггида 32 нафар ўқитувчиларга партияга аъзолик билетлари топширилди. Йиғилишда ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби Зиёдахон Абдуллаева иштирок этди.

* * *

А. Ориповнинг юбилейига бағишланган тадбир Қўқон шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан шаҳардаги педагогика ва санъат билим юртида ҳам бўлиб ўтди.

* * *

ХДП Фурқат туман партия кенгаши туман маданият ва халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда «Китоб ва мусиқа» ҳафталигини ўтказди. Тумандаги барча мактаб жамоалари иштирок этган мазкур ҳафталикда 18, 4, 30-сонли мактаблар ўқувчилари ғолиб, деб топилди. Ғолибларга туман партия кенгаши ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ХДП Қўқон шаҳар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими ҳамда «Жамила» нодавлат фонди билан ҳамкорликда семинар ўтказди. Халқаро «Сорос» фонди вакиллари иштирок этган ушбу тадбир ногиронларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласига бағишланди.

* * *

«Она ва бола» йили муносабати билан ХДП Ш. Рашидов туман кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда, «Онанинг жамиятдаги ўрни» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказди. Унда республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудираси, таниқли шоира Турсуной Содиқова ҳамда Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани суди раиси, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Т. Тиллаева, туман ҳокими Ў. Кенжаевалар иштирок этдилар.

* * *

ХДП Янгиер шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ховос» қўрғонида шахмат мусобақаси уюштирилди. Ғолибларга туман партия кенгаши ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

* * *

Янгиқўрғондаги Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича «давра суҳбати»ни ташкил этди.

* * *

ХДП Уйчи туман кенгаши ва «Экосан» халқаро жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида А. Мўминов номли ширкат хўжалигида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳозирги кунда ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларининг аҳамияти» мавзуида ўқув семинари ташкил этилди. Семинарда «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси вилоят бўлими раиси М. Рустамова, туман партия кенгаши биринчи котиби С. Ғайбуллаевлар қатнашиб, маърузалар қилдилар.

* * *

Мазкур тумандаги маиший хизмат кўрсатиш ва саноат коллежида «Ёшлар клуби»нинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Йиғилишда туман партия ташкилоти фаоллари, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими, туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими вакиллари иштирок этдилар.

* * *

Тўрақўрғон туманида «Зиёлилар» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ёшлар ўртасида қонунларни тарғиб этиш масалалари муҳокама этилди.

* * *

ХДП Косонсой туман кенгаши «Ҳуррият» маҳалласида «Она ва бола» йилига бағишланган тадбир ўтказди. Унда, тўй ва бошқа маросимларни камчиқим ўтказиш, соғлом она ва соғлом бола тарбияси, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалалари юзасидан, фикр юритилди.

* * *

Улуғнор туман партия кенгаши томонидан тумандаги «Оқ олтин» ширкатлар уюшмасида «Она ва бола» давлат Дастурини ҳаётга татбиқ этилиши масаласига бағишланган «давра суҳбати» ўтказилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗСА...

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов туман кенгаши туман спорт қўмитаси билан ҳамкорликда шахмат мусобақаси ўтказди. Унда Сариосиё, Узун ва Шўрчи туманларидан ташриф буюрган юзга яқин шахматчи уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро кураш олиб борди. Ғолибларга ЎзХДП туман кенгаши қимматбаҳо совғалари топширилди.

Мусобақага «Денов» ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилди. Нефть маҳсулотлари корхонаси жамоаси эса пул мукофотлари жорий этди.

Шунингдек, туман ҳокими Абдулҳамид Эшмуродов ва ЎзХДП туман кенгашининг биринчи котиби Абдуолим Бўриевлар мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларига ХДП туман кенгаши томонидан жорий қилинган пул мукофотларини ҳам топширдилар. Болалар ўртасида яқинда бўладиган республика чемпионатида иштирок этувчи шахматчи ўғил-қизларимиз муносиб ўрин эгаллашларида бу ўтказилган тадбирнинг аҳамияти каттадир.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОРТИДА»

Қувайт ислом давлати бўлгани учун бу ерда дин арконларига жуда қаттиқ риоя қилинади. Жумладан, яқинда аёллар жамоалари ўртасидаги турнирни «ёпиқ эшиклар ортида» — залларда ўтказишга мажбур бўлинди. Бунга қувайтлик исломпарастларнинг матбуотда бу борада жиддий чиқиш қилгани сабаб бўлди.

ЗАМОН ЎЗГАРИБ...

1962 йилда Кариб денгизи ҳавзасидаги ҳарбий инқироз вақтида Кубани ҳимоя қилган собиқ иттифоқ ва АҚШ ўртасида ядровий уруш чиқишига оз қолганди. Америкалик киноижодкорлар бу воқеалар тўғрисида ҳикоя қилувчи машҳур «Ўн уч кун» фильмини суратга олганди. Замон ўзгариб, ўзаро муносабатлар бирмунча илиқлашган шу кунларда мазкур фильм ижодкорлари бир вақтлар ўзлари даҳшатли душман қилиб кўрсатган Куба ва Россияда бўлишни режалаштирмоқда.

ОҚ УЙДА «ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ»

Оқ уй қошидаги «тез тиббий ёрдам» хизмати қандай ишлайди? Илгари бу ерда фаолият кўрсатувчи энг юқори мартабали шахслар соғлиғидан кўпда шикоят қилмагани учун бу хизматнинг иши худди сирдай туюлаверарди. Бироқ Ричард Чейни АҚШга вице-президент бўлди-ю, бу хизматнинг номаълум қирралари ҳам очила қолди. Бунинг учун Р.Чейни ҳеч қандай иш қилгани йўқ, бор-йўғи соғлиғи ёмон бўлгани учун дам-бадам «тез ёрдам»га мурожаат қилянти, холос.

МЕТРОДА... ИЛОН

Париж метроси бекатларидан бирида жуда хавфли чиптасиз «йўловчи» ушланди. У улкан бўғма илон эди.

ЭҲ, АЁЛЛАР, АЁЛЛАР!

Италиялик аёллар спиртли ичимликларга тобора муккасидан кетиб бормоқда. Сўнгги вақтларда улар кечки овқатдан сўнг бир рюмка мускат виноси ёки шунга ўхшаш бирор ичимлик ичмаса, ухлолмайдиган бўлиб қолган. Баъзи қизлар «катталар ичимлиги»га 12 ёшдан бошлаб ўрганиб бормоқда.

ҮЙЛАР СУВ ОСТИДА

Олтойда баҳорги эриш мавсуми бошлангач, мингдан ортиқ уй сув остида қолди. Ўтган қиш мавсумида бу ерда бир йиллик меъёрдан икки-уч баробар кўп қор тушганди.

ШАРШАРАГА БОРИШОЛМАЙ ҚОЛСА-Я?!

Зимбабвега ташриф буюрадиган сайёҳларнинг кўпчилиги машҳур Виктория шаршарасини кўргани келади. Бироқ яқин кунларда шаршарага келувчилар сони кескин камайиши мумкин. Мамлакатда бензин танқислиги вужудга келгани сабаб сайёҳларни шаршарага олиб чиқувчи автоуловлар юрмай қолиши кутилмоқда.

АВСТРАЛИЯ МАНЗАРАЛАРИ...

СОХТА ФУТБОЛЧИЛАР

Туркияда бир гуруҳ фирибгарлар ҳибсга олинди. Бироқ уларнинг фаолият доираси ҳамкасбларининкидан бироз фарқ қилади. Маълум бўлишича, улар қалбаки ҳужжатлар асосида мамлакатнинг таниқли футболчилари номидан кредитлар олган экан.

ҮЛКАН ШОКОЛАД

Германия жанубидаги Ҳиршдорф шаҳрида яшовчи 45 ёшли қандолатпаз қуён шаклида дунёдаги энг катта шоколадни тайёрлади. «Ширин қуён»нинг баландлиги тўрт метр, вазни эса беш юз килограммдан ортиқдир.

«ҮЧАР БРИГАДАЛАР»

Польшанинг кичик шаҳарларида жиноятчиликка қарши кураш учун «учар бригадалар» тузилмоқда. Таркибида бир неча тартиб посбони бўлган бу гуруҳлар кичик шаҳар шароитида жиноятчиларни ушлашга жуда қўл келади, деб ҳисобламоқда мутахассислар.



SPORT

КУБОКНИ ҚЎЗЛАБ

Маълумки, теннисчиларимиз қатор йиллардан бери биллур ваза — Дэвис кубоги учун курашда қатнашиб келишмоқда. Уларнинг кучли гуруҳга чиқиши учун қилган саъй-ҳаракатлари ҳамиша ҳам омадли келмаган. Вакилларимизнинг Янги Зеландияда ўтказган навбатдаги учрашувлари эса муваффақиятли кечди. Хусусан, Вадим Куценко билан Марк Нильсен учрашуви (7:6, 6:1, 6:7, 6:2) вакилимиз фойдасига ҳал бўлди. Аммо Алистер Хант билан майдонга тушган Олег Огородов (6:7, 7:6, 7:6, 6:3) имкониятни бой бериб қўйди. Олег иккинчи учрашувни Марк билан ўтказиб, ўз хатосини тузатди (6:1, 3:6, 6:3, 7:6) Вадимнинг Алистер билан учрашуви эса 2:6, 7:6, 6:4, 7:5 ҳисобида якунланди. Гринхалг ва Хант — Огородов ва Томашевич жуфтлиги 6:3, 6:4, 6:4 ҳисобида тугади. Шундай қилиб, теннисчиларимиз 3:2 ҳисобида ғалабани таъминлашди. Энди йигитларимиз кучли 24 жамоа сафидан жой олишди. Вазифа эса юқори гуруҳга ўтиш турнирида муваффақият қозонишдан иборат.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Сиз азизларни 2001 йил 16, 23, 30 май кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.
Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Оҳангарон тумани марказий касалхонасига тегишли:
— «РАФ-2203101», давлат рақами 51-82 ТШП, 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 163000 сўм.**
— «РАФ-2203101», давлат рақами 77-68 ТШП, 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 163000 сўм.**
— «РАФ-220301», давлат рақами 51-81 ТШП, 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 149000 сўм.**
2. Қибрай тумани «ЎзГЭС» трести автокорхонасига тегишли:
— «РАФ-2203», давлат рақами 91-23 ТШС, 1986 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 149000 сўм.**
3. Оққўрғон тумани «Мафтуна» ҳиссадорлик жамиятига тегишли:
— «ГАЗ-31029», давлат рақами 11АА487, 1994 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 1341000 сўм.**
4. Паркент тумани Чоткол кўрикхонасига тегишли:
— «ГАЗ-53», давлат рақами 11АА468, 1986 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 67000 сўм.**
5. Тошкент тумани тиббий бирлашмасига тегишли:
— «РАФ-22031», давлат рақами 11 АІ 265, 1991 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 149000 сўм.**
— «РАФ-22031», давлат рақами 11 АІ 263, 1989 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 149000 сўм.**
— «УАЗ-3962», давлат рақами 84-16 ТШР, 1992 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 102000 сўм.**
6. Юқори Чирчиқ тумани «5-сон автокорхона» ОТХЖга тегишли:
— «ГАЗ-2411», давлат рақами 11 АС 665, 1990 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 130000 сўм.**
7. Қибрай тумани халқ таълими бўлимига тегишли:
— «ГАЗ-24», давлат рақами 35-38 ТШБ, 1976 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 90000 сўм.**
8. Пскент тумани «Машина-трактор парки» ДАЖга тегишли:
— «ГАЗ-53А», давлат рақами 11АG282, 1978 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич нархи — 240000 сўм.**
9. Олмалиқ шаҳар Абдуллаев кўчасидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 6 та ер майдони. **Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 26000 сўм.**
10. Чирчиқ шаҳар Бунёдкор Ўтар кўчасидаги сатҳи 400 кв.м. бўлган 5 та ер майдони. **Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи — 159286 сўм.**
11. Ангрен шаҳар Проектная кўчаси 1-уйда, 1,54 га. ер майдонида жойлашган «Ангренгазмаш» ОТХЖга қарашли омборхона, чўчқахона, емхона, қушхона ва тозалаш иншоотларидан иборат «Ёрдамчи хўжалиги» объекти. **Бошланғич нархи — 2700000 сўм. (ер майдони бу нархга кирмайди).**

Шунингдек, аввалги савдоларда сотилмай қолган ер майдонлари, иншоотлар ва автотранспортлар ҳам ушбу савдода сотилиши мумкин.

Ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари биржа савдолари ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават, 9-хона. Телефон: 133-28-52. Факс: 133-49-31.

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ОСМОНГА ҚАРАНГ, КЕНГЛИКНИ КЎРАСИЗ

«Бундай кенг осмон ва қуёшнинг чиқишини болалигимда кўрган эдим».

Бу — ўлим тўшагида михланган бир адабий қаҳрамоннинг гапи. Ғалати гап, тўғрими? Олтмиш йил яшасаю, ҳар куни тепасида турган осмонга икки бор нигоҳи тушса?

Шуниси қизиқки, фақат тирикчиликнинг югур-югури билан ўтган бу адабий қаҳрамоннинг ҳаёт йўли билан танишар экансиз, ўзингиз ҳам шубҳаланиб қўясиз: «Хўш, мен ҳам осмонни ҳар куни кўраяпманми? Тирикчилик ташвишларидан ташқарига нигоҳим қараяптимикин? Дунёга нега келдим, яшашнинг моҳияти нима, инсоннинг коинотдаги ўрни қанақа? Инсон дунёга қорин тўйдиришу кийим кийиш, хуллас, яхши яшаш учунгина келадими?».

Ҳожиакбар Шайховнинг «Туташ оламлар», «Икки жаҳон овораси» романлари жамланган янги китобини ўқиётган китобхон юқоридаги саволлардан ташқари яна қуйидаги тошбосар саволларга рўбарў келади: «Инсоннинг табиати, ҳаёти қанақа? Уни билиб бўладими? Инсон жисми билан руҳияти орасида қандай муносабатлар бор? Инсжинслар, арвоҳлар, ажинаю алвастилар бор нарсами ёки хаёлот мевасими?».

Ноёб фазилатли учта замондош қизлар ҳаёти орқали (халқ тилида уларни дуохон, башоратчи ҳам дейилади) ёзувчи эзгулик ва ёвузлик орасидаги абадий кураш давом этаётганлигини ва бу кураш ҳеч кимнинг тақдиридан ташқарида эмаслигини кўрсатиб беради. Шу боис ёзувчининг бу романларида макон чегараси, замон чегараси йўқ. Моддият билан руҳият орасига ҳам ёзувчи симтўсиқ қўймайди. Балки учала қизалоққа мураббийлик қилаётган улуғларимиз Шайхон Тоҳир, Хўжа Асрор валий, Тилла Шайх руҳлари ҳамда қизалоқлар руҳини эгаллашга интилаётган инсжинслар, ёвуз руҳлар орасидаги кураш тасвири билан бугунги ўқувчини ҳам битта нарсага ишонтиради: **инсон боласи эзгуликка интилиб яшаши керак. Эзгуликка томон ҳаракат бир муддат тин олиндими, орамизга ёвузлик, ёвуз руҳ кириб олади. Инсоният нигоҳи ўзидан, рўзғорию қорин ташвишидан ташқарига қаратилмаса, ёвуз руҳлар тантана қилиши турган гап. У ўз қобиғини — шахсий қобиғини ёриб чиқмас экан, инсон муқаддас бўлолмайди. Инсоният сон-саноқсиз оламлар ичида митти зарра. Лекин у қалбини эзгулик билан тўлдириб турса бутун бир оламдир — ёвузлик йўлига тўсиқ бўлгувчи улкан лашкардир. Зеро, инсоният ўзи ҳам тилсимотга тўла бир дунё. Бу олам ичида 2 та қарама-қарши қутб — эзгулик ва ёвузлик ёнма-ён яшайди. Иккаласининг орасидаги масофа эса нақд бир қадам. Инсоннинг дунёдаги энг улкан вазифаси эзгулик деган томонга, ҳатто ўз ичида бўлсин, тинмай қадам ташлайверишдан иборатдир.**

Инсоният, муаллиф айтганидек, фикрлашдан бироз эринаётган бугунги пайтда тириклик ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш ва мана шу курашларда инсоннинг ўрни қаерда бўлиши керак, каби саволларга жавоб изловчи асарларни китобхон кўпроқ ўқиши зарур. Зеро, осмонга қараган одам кенгликни кўради, юксакликни ҳис қилади. Ахир, инсониятнинг ўрни эзгулик деган юксакликда эмасми?!

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан Пермь вилоятининг Камск шаҳрида ишлаб чиқарилган 84 — А форматли газета қоғозини сотади.

Телефон: 136-74-33, 136-53-20.

БИРИНЧИ БЎЛИШ БАХТИ

Чексиз фазога инсониятнинг илк қадами текканига қирқ йил тўлди. Бугун космонавтика шу қадар илгарилаб кетдики, қандайдир «Протон», «Дескавери»ларнинг кетма-кет парвозларига одамзод эътибор бермай қўйди. Аммо, бундан қирқ йил муқаддам бу воқеалар давлат сиёсати сифатида тан олинар, ҳатто турлича тузумлар ўртасида ўзига хос «кимўзар» мусобақасига айланганди.

Биринчи бўлиш бахти аслида толеъ юлдузи саналади. Илк бора «Янги дунё»га — Америқо қитъасига қадами теккан Христофор Колумб билан фазога бор-йўғи тўқсон дақиқа парвоз қилган Юрий Гагарин тақдири орасида узвий ўхшашлик бор. Буни шахсий жасоратдан кўра бахтли тасодиф сифатида қабул қилиш тўғрироқ бўларди.

Хўш, ҳарбий қисмда учувчи мақомида хизматни ўтаётган лейтенант Гагарин тақдирига бу бахт қуши қай йўсинда қўнди?

1957 йил 4 октябрда Ернинг илк сунъий йўлдоши учирилди. Орадан роппа-роса икки йил ўтгач, 1959 йилнинг 4 октябрида лейтенант Гагарин қисм командири номига рапорт ёзади: «Мамлакатимизда фазо билан боғлиқ илмий тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилаётгани, бу борада инсоннинг илмий мақсадларда учиши зарурияти туғилиб қолган тақдирда кўнгилли равишда шу соҳага ўзимни бағишлашимни эътиборга олган ҳолда, мени махсус тайёргарликка жўнатишингизни сўрайман!» Қисм командири подполковник Бабушкин ваъда беради: «Ёрдам беришга ҳаракат қилиб кўраман!»

Икки кундан сўнг ўнга яқин учувчи ҳам шу зайлда рапорт ёзишади. Улар орасида бўлғуси фазогир Г. Шонин ҳам бор эди.

Ҳақиқатан ҳам айнан шу пайтда илк бора фазога одамни учириш учун номзодлар танлашга киришилганди. 12 октябрда махсус комиссия қисмка келади ва ариза ёзган ўн икки нафар учувчи билан суҳбат ўтказишади. Саволлар ғайритабиий, ҳатто қизиқ эди. Номзодлар билан бўш вақтларда нима билан шуғулланишлари ҳақида ёки келгусидаги оилавий режаси тўғрисида эринмасдан суҳбат ўтказишган. Дастлабки танловдан сўнг номзодлар тенг ярмига қисқаради — олти киши қолади. Уларни «иккинчи давра»да тағинда майда саволлар билан роса «эзғилашади». Ниҳоят комиссия аъзолари сирли сукут билан қисмни тарк этишади. Ўн кундан сўнг эса Москвадан тегишли буйруқ келади: «Тўрт учувчини жўнатинг!» Улар орасида Гагарин ҳам бор эди.

Москвада уларни тағинда мураккаб синовлар кутаётганди. Чунки, учувчилар орасидан бир неча ўнлаб номзодлар танланганди. Энди уларнинг жисмоний соғлиги биринчи ўринга чиққанди. Малакали дўхтирлар номзодларнинг юрагига кўпроқ эътибор қаратишарди. Талаб қаттиқ бўлди. Ҳатто тиббий кўрик пайтида озроқ жисмоний нуқсони маълум бўлиб қолиб, баъзилар фазогир бўлиш у ёқда турсин, олдинги учувчи касбидан ҳам айрилдилар. Айримлар тиббий кўрикда қатнашишдан бош тортиб, жойларига қайтиб кетишни маъқул кўришди. Чунки, танлов натижаси ваҳимали эди: ҳар ўн беш номзоддан бириси фазогирлар сафига қабул қилинган бўлса, икки-уч нафари муддатидан илгари ҳарбийдан истеъфога чиқарилганди.

Ниҳоят ўн кундан сўнг кўрикдан ўтганларга ўзлари хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга қайтиш ва махсус буйруқни кутиш ҳақида топшириқ бўлди. Гагарин тағин ўз қисмига — шимолдаги учувчилар полкига жўнаб кетди. У ҳалиям кўрикдан «қай даражада» ўтганини аниқ билмасди. «Мени фақат тиббий комиссия кўзлаган мақсадимдан айириши мумкин. Аммо, охиригача курашаман. Чунки, соғлигимни яхши биламан!» — дейди у хизматдошлари сўровларига жавобан.

Узоқ кутишга тўғри келмади. 1960 йилнинг 14 январида Гагаринни тағин пойтахтга жўнатиш ҳақда буйруқ келди. Танловнинг энг оғир қисми бошланганди — энди жуда талабчан ва малакали дўхтирлар кузатувида номзодлар бир неча ой кўрикдан ўтишлари керак эди. 29 январда хотини Валентинага ёзган мактубида Гагарин кайфияти пастлигини, эртага ўзини нима кутаётганини билмаслигини баён қилади. Негаки, комиссия ҳар куни «навбатдаги омадсиз»ни рўйхатдан ўчираётганди. «Омадсизлар»ни кузатиш ўзига хос маросимга айланган, «қолаётганлар» «кетаётганлар»ни кўнгил кўтариш маъносида тантанали кузатишар, бу маросимларда Павел Попович украинча ҳазил қўшиқлар куйларди.

Ниҳоят 27 февралда барча синовлар ортда қолди — илк фазогирлар гуруҳи пайдо бўлди. Улар асосан учувчилар бўлиб, номзодларнинг барчаси МИГ-15, МИГ-17 реактив самолётларини бошқарган тажрибали учувчилар эдилар.

Фазога учишга махсус тайёргарлик бир йилдан ошиқ давом этди. Эндиликда ҳарбий самолётларни бошқариш, парашютда сакрашдан ташқари турли оғир жисмоний машқларни мунтазам бажаришга тўғри келарди. Машқлар давомида турли даражада тан жароҳати олган саккиз нафар номзод фазогирлар отрядини вақтли тарк этишга мажбур бўлдилар.

Ниҳоят 1961 йилнинг 24 мартида номзодлар Бойқўнғирга ташриф буюришди. Илк бора фазога учиш бахтига мушарраф бўлиш номзодлардан тўрт нафаридан бирига насиб қилиши мумкин эди. Булар — Павел Попович, Герман Титов, Андриан Николаев ва Юрий Гагарин.

1961 йилнинг 3 апрель, пешин соат учларда Звёздний шаҳарчасига фазогирлар тайёрлаш маркази раҳбари Н. Каманин келади ва ҳукумат комиссияси илк бора фазога одамни учиришга қарор қилганини билдиради. Эртасига уларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилади. Уларга навбатдан ташқари ҳарбий унвон берилади. Шу тариқа катта лейтенант Гагарин бир кунда майорга айланади.

8 апрелда узоқ мажлис тузган ҳукумат комиссияси асосан янги фазо кемасининг техник томонларини муҳокама қилиш билан банд бўлди. Энг қийини, кема ичидаги инсоннинг саломатлиги эмас, кемани ҳалокатсиз ерга қандай қўндириш масаласи бўлди. Чунки илк парвознинг муваффақияти асосан шунга боғлиқ эди. Фақат мажлис сўнггида тўрт нафар номзоддан қайсиси биринчи бўлиб учиши кун тартибига қўйилди. Бу масала кўп вақт олмади. Ҳукумат комиссияси Юрий Гагарин номзодини маъқул кўрди.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Кейинчалик «танлаш» ҳақда турлича фикрлар пайдо бўлади. Гўёки биринчи бўлиш шарафига Гагариннинг ўзига хос кулгичлари сабабчи эмиш. Ёки бош конструктор С. Королёв «Герман Титовни ғоятда яхши кўрганидан аяган. Негаки, биринчи парвоз муваффақиятли чиқишига ҳеч ким кафолат беролмаган»миш.

Шу куни ҳукумат комиссияси йиғилишидан қайтган Королёв «номзод» ҳақдаги сирни шогирдларига айтишни маъқул кўрмайди. Уларни янги кема билан қайта таништиради ва учиш давомида рўй бериши мумкин бўлган тасодифий ҳодисалар олдини олишга ўргатади. 9 апрелда Каманин Гагарин ва Титовни ёнига чақириб, улар билан узоқ суҳбатлашади ва шу ерда комиссия қарорини ошкор қилишга мажбур бўлади: «Комиссия қарори: биринчи бўлиб Гагарин учади, Титов ҳар эҳтимолга қарши тайёр туради».

Бу сўзларни эшитгач, Гагариннинг юзига кулги югуради.

10 апрель. Ҳукумат комиссиясининг сўнгги йиғилиши. Бу ҳақда Гагарин кейинча эслайди: «Мажлисда Герман Титов мен билан ёнма-ён ўтирди. Мен унинг ҳар бир ҳаракатига эътибор бердим. У ҳам мен каби машқдан ўтган, балки кўп томонлама мендан устунроқ эди. Ким билади, уни биринчи парвоздан, янада қийинроқ бўлган иккинчи парвоз учун асрашгандир?!»

Бу ерда Гагарин самимий ёзмоқда. Аммо, ҳар қанча қийин ва мураккаб бўлмасин иккинчи парвоз ўз номи билан иккинчида.

Энг фожиали лаҳза: 1961 йил 12 апрель. Соат 8.30. Ярим соатлик тайёргарлик эълон қилинади. Самога бўй чўзган улкан кема ёнида скафандр кийган икки фазогир турибди. Юрий Гагарин ва Герман Титов. Барча уларни кутламоқда. Ҳалиям нимадир ўзгариши мумкин. Балки... Йўқ, энди ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди — тарих ўз ҳукмини ўқиб бўлган. Икки минутдан сўнг Титовга скафандрини ечиб, кузатувчилар сафидан жой олиш ҳақда буйруқ берилади. Титов скафандрини ечиб, кузатув пунктига келади. Ҳамманинг нигоҳи кемада, унинг ичидаги инсонда. Ҳеч ким Титовни кўрмайди, унинг бу оламда борлигини билмайди...

30 дақиқадан сўнг «Старт» командаси берилади. Тамом! Инсоният тарихидаги яна бир улуғ жасорат амалга ошди — инсон фазога чиқди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Тошкентда бўлиб ўтади

V ТОШКЕНТ САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ

25-28 апрель кунлари

«Ўзкўргазмасавдо» («Беруний» метро бекати)

Ташкилотчилар — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси,

Ярмарканинг тайёрланиши ва ўтказилишини Тошкент Халқаро Бизнес Маркази таъминлайди.

Кўп тармоқли кўргазма-ярмаркада Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги, узоқ ва яқин хорижий давлатлардаги турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, чет эл фирмалари иштирок этишлари мумкин.

Ярмаркада саноат жиҳозлари, халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш воситалари, истиқболли технологиялар, инвестиция лойиҳалари, бўш ишлаб чиқариш майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари қўйилиши мўлжалланмоқда.

Ярмаркага барча манфаатдор тузилмалар, юридик ва жисмоний шахслар, унда намойиш этиладиган маҳсулотлар билан танишиш учун таклиф этиладилар. Ярмаркада иштирок этиш ҳоҳишини билдирганлар ярмарка дирекциясига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин:
998 (71)152-64-58, 152-64-62, 152-64-63. Факс — 998 (71) 152-64-61.

«ОҲАНГАРОНШИФЕР»

очиқ акциядорлик жамияти

КОРХОНА ОМБОРИДАН ҚУЙИДАГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СОТАДИ:

БОСИМСИЗ АСБЕСТЦЕМЕНТ ҚУВУРЛАР

– БНТ 150
нархи – 1 п/м 674 сўм 12 тийин.

БОСИМЛИ АСБЕСТЦЕМЕНТ ҚУВУРЛАР ВА МУФТАЛАР

– ВТ – 9 150х3950 ТИП 1
нархи – 1 п/м 1084 сўм 58 тийин;
– ВТ – 9 200х3950 ТИП 1
нархи – 1 п/м 1883 сўм 04 тийин;
– ВТ – 9 300х3950 ТИП 1
нархи – 1 п/м 3523 сўм 40 тийин;
– ВТ – 9 400х3950 ТИП 1
нархи – 1 п/м 6441 сўм 60 тийин;
– Муфта САМ 9 200
нархи – 1 донаси 585 сўм 73 тийин;
– Муфта САМ 9 300
нархи – 1 донаси 984 сўм 20 тийин;
– Муфта САМ 9 400
нархи – 1 донаси 1554 сўм 97 тийин.

ТЕКИС АСБЕСТЦЕМЕНТ ШИФЕРЛАР

— ЛП-НП-1,75 х 1,2 х 6,7,8,10,12
нархи — 1 донаси 6 мм. — 1200 сўм, 7 мм. — 1141 сўм 14 тийин, 8 мм. — 1571 сўм 42 тийин, 10 мм. — 1942 сўм 86 тийин, 12 мм. — 2400 сўм.

ТЎЛҚИНСИМОН АСБЕСТЦЕМЕНТ ШИФЕРЛАР

— 40/150-8
нархи — 1 донаси 1155 сўм.

Ҳамма қурилиш материаллари нархи қўшимча қиймат солиғи билан қўшиб ҳисобланган.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудуди.
ТЕЛЕФОНЛАР: 8 (37164) 5-14-66, 5-64-23, 5-63-83, 5-56-56.

СКАНВОРА



■ Тузувчи: Шуҳрат МИРАҲМЕДОВ

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
ЎZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-47-80, 133-38-55
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA